



2023 -jil “6” - aprel

№ 01/18 - 910

Nókis qalasi

**Ўзбекистон Республикаси Табиат
ресурслари вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Сўнги йилларда барча соҳалар қатори ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини, ижро интизоми бўйича айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли ва 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳвқида”ги 140-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорларининг талаблари асосида иш юритиш ва ижро интизомини таъминлаш ҳозирги даврнинг долзарб масалалари бўлиб ҳисобланади.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ижро интизоми аҳволи мониторинги бўйича тақдим этилган ҳисоботларни тўғри ва сифатли юритишни ташкил этиш, ижро интизомини ўз вақтида тизимли мониторинг ва назорат қилинишини ҳисобга олиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Фармойишлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг буйруқлари, топшириқлари, қарорларини руйхатга олиш ва ҳисоботини юритиш, ижросини назоратга олиш ишларини ташкиллаштириш зарур.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, руйхатга олиш ва ҳисоботини юритиш, мурожаатларнинг ўз вақтида белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, мурожаат эгаларига жавоб

берилишини назоратга олиш, вазирликга мурожаат билан келган фуқароларни қабул қилиш ва вазирликнинг “Ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатларини қабул қилиш, руйхатга олиш, ўз вақтида ўрганиб чиқилишини назорат қилиш ишларини ташкиллаштириш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси виртуал қабулхонасининг давлат ташкилотлари ходимлари кабинетининг cabinetpm.gov.uz, Тадбиркор виртуал офиси ахборот порталининг kb-business.gov.uz, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг cabinet.murajat.uz ва вазирликнинг edo.ijro.uz тизимлари орқали келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, руйхатга олиш, ўз вақтида ўрганиб чиқилишини назорат қилиш, маълумотларнинг тизимга сифатли жойлаштирилиши ўта муҳим ва зарур.

Юқоридаги ҳужжатларни мониторинг қилиб кўрилганда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг буйруқлари, топшириқлари, қарорларини ва Ҳокимликлар, ҳар хил ташкилотлар, Масъуляти чекланган жамиятларидан тахминан вазирликка бир кунда 40-50 та, бир ойда 1500 та ҳужжат келиб тушмоқда, бир кунда 10 та, бир ойда 300 та мурожаат келиб тушиши ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг Ижро интизоми назорати ва мурожаатлар билан ишлаш бўлимига 2 та штат бирлигида қолдирилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Раис


М.Джуманиязов